Conclusion. The Sentimag + Magtrace system demonstrates high accuracy, minimal invasiveness, safety, and cost-effectiveness in sentinel lymph node detection in breast cancer. The method reduces complications associated with axillary lymph node dissection and supports a personalized surgical approach, making it suitable for implementation in clinical practice.

Keywords: breast cancer; sentinel lymph node; Sentimag; Magtrace; axillary lymph node dissection; magnetic navigation; minimally invasive surgery; clinical and economic effectiveness.

ШОМАНСУРОВА Нодира Саидорифовна

К.М.Н.

НИГМАНОВА Нигора Анваровна

К.М.Н.

Республиканский специализированный научно-практический
медицинский центр онкологии и радиологии

КЛИНИЧЕСКАЯ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ МАГНИТНОЙ НАВИГАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ SENTIMAG ПРИ ОПРЕДЕЛЕНИИ СТОРОЖЕВЫХ ЛИМФАТИЧЕСКИХ УЗЛОВ ПРИ РАКЕ МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ

РЕЗЮМЕ

Цель. Сравнительная оценка клинической эффективности, безопасности и клинико-экономических преимуществ системы магнитной навигации Sentimag + Magtrace при определении сторожевых лимфатических узлов у пациенток с раком молочной железы II–III стадии по сравнению со стандартной аксиллярной лимфодиссекцией. **Материалы и методы.** Исследование выполнено в ретроспективно-сравнительном дизайне. На базе РСНПМЦ онкологии и радиологии проанализированы данные 100 пациенток с морфологически подтвержденным раком молочной железы II–III стадии. Пациентки разделены на две группы: I группа (n=50) — выполнена биопсия сторожевого лимфатического узла с использованием системы Sentimag; II группа (n=50) — проведена стандартная аксиллярная лимфодиссекция. Оценивались интраоперационные показатели, длительность госпитализации, частота послеоперационных осложнений и экономические параметры. **Результаты.** В группе Sentimag частота детекции сторожевых лимфатических узлов составила 100%. Среднее количество удалённых лимфатических узлов составило 1–3, тогда как в стандартной группе — ≥ 10 . Отмечено достоверное снижение продолжительности операции (55 мин против 95 мин), длительности госпитализации (10 против 15 койко-дней) и частоты послеоперационных осложнений (6,0% против 60,0%) в группе Sentimag. У 68,0% пациенток удалось избежать выполнения аксиллярной лимфодиссекции. Экономический анализ показал экономию 1 125 000 сум на одного пациента. **Заключение.** Система Sentimag + Magtrace характеризуется высокой точностью, минимальной инвазивностью, безопасностью и экономической эффективностью при определении сторожевых лимфатических узлов при раке молочной железы. Метод позволяет снизить частоту осложнений, связанных с аксиллярной лимфодиссекцией, и обеспечивает персонализированный хирургический подход, что обосновывает его внедрение в клиническую практику.

Ключевые слова: рак молочной железы; сторожевой лимфатический узел; Sentimag; Magtrace; аксиллярная лимфодиссекция; магнитная навигация; малоинвазивная хирургия; клинико-экономическая эффективность.

ШОМАНСУРОВА Нодира Саидорифовна

т.ф.н

НИГМАНОВА Нигора Анваровна

т.ф.н

Республиканска ихтисослаштирилган онкология ва
радиологияси илмий-амалий тиббиёт маркази

СУТ БЕЗИ САРАТОНИДА СЕНТИНЕЛ ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИ АНИҚЛАШДА SENTIMAG МАГНИТ НАВИГАЦИЯ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ КЛИНИК ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

РЕЗЮМЕ

Мақсад. Сут беzi саратонининг II–III босқичларида қўриқчи лимфа тугунларининг ҳолатини баҳолашда Sentimag + Magtrace магнит навигация тизимининг клиник самарадорлиги, хавфсизлиги ва клиник-иқтисодий устунликларини стандарт аксилляр лимфадиссекция билан қиёсий таҳлил қилиш. **Материаллар ва усуллар.** Тадқиқот ретроспектив-қиёсий дизайнда ўтказилди. РИОваРИАТМ базасида морфологик тасдиқланган II–III босқичли сут беzi саратони билан касалланган 100 нафар бемор таҳлил қилинди. Беморлар икки гуруҳга

бўлинди: I гуруҳ (n=50) - Sentimag тизими ёрдамида кўрикчи лимфа тугуни биопсияси бажарилганлар; II гуруҳ (n=50) - стандарт аксилляр лимфадиссекция қўлланилганлар. Интраоперацион кўрсаткичлар, стационарда ётиш муддати, операциядан кейинги асоратлар ва иқтисодий параметрлар баҳоланди. **Натижалар.** Sentimag гуруҳида кўрикчи лимфа тугунлари детекцияси 100% ни ташкил этди. Олиб ташланган лимфа тугунлари сони ўртача 1–3 тани ташкил қилиб, стандарт гуруҳда ≥ 10 та бўлди. Операция давомийлиги (55 дақиқа vs 95 дақиқа), стационарда ётиш муддати (10 vs 15 койка-кун) ва операциядан кейинги асоратлар частотаси (6,0% vs 60,0%) Sentimag гуруҳида ишончли даражада камайди. 68,0% беморда аксилляр лимфадиссекциядан воз кечиш имкони яратилди. Иқтисодий таҳлил 1 бемор ҳисобида 1 125 000 сўм маблағ иқтисод қилинганини кўрсатди. **Хулоса.** Sentimag + Magtrace тизими сут беги саратонида сторож лимфа тугунларини аниқлашда юқори аниқликка эга, кам инвазив, хавфсиз ва иқтисодий самарали усул ҳисобланади. У аксилляр лимфадиссекция билан боғлиқ асоратларни камайтириб, персоналлаштирилган жарроҳлик ёндашувини таъминлайди ва клиник амалиётга жорий этиш учун мақбулдир.

Калит сўзлар: сут беги саратони; сторож лимфа тугуни; Sentimag; Magtrace; аксилляр лимфадиссекция; магнит навигация; кам инвазив жарроҳлик; клиник-иқтисодий самарадорлик.

Кириш

Сут беги саратони (СБС) аёллар ўртасида энг кўп учрайдиган онкологик касалликлардан бири бўлиб, бутун дунё бўйича онкологик касалланиш тузилмасида етакчи ўринни эгаллайди. GLOBOCAN маълумотларига кўра, 2020 йилда жаҳонда 2,3 миллиондан ортиқ янги сут беги саратони ҳолати қайд этилган бўлиб, ушбу касаллик аёллар ўртасида онкологик ўлим сабаблари ичида ҳам юқори ўринни сақлаб қолмоқда [8]. Шу боисдан, касалликни эрта аниқлаш, аниқ стадиялаш ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш замонавий онкологиянинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Сут беги саратонида минтакавий лимфа тугунларининг ҳолати касаллик прогнози ва кейинги даволаш стратегиясини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Узоқ йиллар давомида аксилляр лимфадиссекция минтакавий метастазланишни баҳолашнинг асосий усули бўлиб келган. Бироқ, кўп сонли тадқиқотлар ушбу усул юқори травматик эканини, лимфостаз, серома, инфекция асоратлар ва елка бўғими функциясининг бузилишига олиб келишини кўрсатган [2, 5]. Бу ҳолат аксилляр лимфадиссекцияга кам инвазив муқобил усулларни излашга туртки бўлди.

Кўрикчи (сторож/сентинел) лимфа тугуни биопсияси сут беги саратонида минтакавий лимфа тугунларини баҳолашнинг “олтин стандарти” сифатида эътироф этилган бўлиб, у аксилляр лимфадиссекцияга нисбатан юқори аниқликка эга экани ва асоратлар частотасини сезиларли даражада камайтириши билан ажралиб туради [4, 10]. Халқаро клиник қўлланмаларда (NCCN, 2023; ASCO, 2014) эрта босқичли СБСда кўрикчи лимфа тугуни манфий бўлган ҳолларда аксилляр лимфадиссекциядан воз кечиш мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилган [6].

Анъанавий равишда кўрикчи лимфа тугуни биопсияси радиоизотоплар ва бўёқлар қўлланилиши билан бажариб келинган. Бироқ, радиоизотопли усул лицензиялаш, логистика, радиацион хавфсизлик ва иқтисодий чекловлар билан боғлиқ қатор муаммоларга эга. Шу муносабат билан сўнгги йилларда радиоизотопларсиз қўлланиладиган, хавфсиз ва самарали альтернатив технологияларга қизиқиш ортмоқда.

Шундай инновацион ёндашувлардан бири - суперпарамагнит темир оксиди наночастицаларига асосланган Sentimag + Magtrace магнит навигация тизими ҳисобланади. Европа ва АҚШда ўтказилган қатор клиник тадқиқотлар ушбу усул кўрикчи лимфа тугунларини аниқлашда радиоизотопли методлардан кам эмас аниқликка эга эканини кўрсатган [1, 9]. NICE томонидан 2023 йилда эълон қилинган тавсияларда Sentimag тизими сут беги саратонида кўрикчи лимфа тугунларини аниқлаш қилиш учун клиник ва иқтисодий жиҳатдан мақбул технология сифатида баҳоланган [7].

Шу боисдан, сут беи саратони билан касалланган беморларда Sentimag магнит навигация тизимини қўллашнинг клиник самарадорлиги, хавфсизлиги ва клиник-иктисодий жиҳатларини маҳаллий клиник амалиёт шароитида ўрганиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, мазкур тадқиқот айнан шу масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Тадқиқот мақсади

Сут беи саратонининг II–III босқичларида сторож лимфа тугунларининг ҳолатини баҳолашда магнит навигацияга асосланган Sentimag + Magtrace тизимининг клиник самарадорлиги, хавфсизлиги ва клиник-иктисодий устунликларини стандарт аксилляр лимфадиссекция билан қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек сторож лимфа тугуни биопсиясига асосланган персоналлаштирилган жарроҳлик тактикасининг мақбуллигини асослаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари

Тадқиқот ретроспектив-қиёсий клиник тадқиқот сифатида ўтказилди. Иш Республиканска ихтисослаштирилган онкология ва радиологияси илмий-амалий тиббиёт маркази (РиОваРиАТМ) базасида амалга оширилди. Тадқиқот мақсадига мувофиқ, эрта ва маҳаллий-тарқалган босқичлардаги сут беи саратони билан касалланган беморларда сторож лимфа тугунларининг ҳолатини баҳолашда магнит навигацияга асосланган Sentimag тизимининг самарадорлиги ва хавфсизлиги стандарт жарроҳлик тактикаси билан қиёсий ўрганилди.

Тадқиқотга морфологик жиҳатдан тасдиқланган сут беи саратонининг II–III босқичлари билан даволанган жами 100 нафар бемор киритилди. Барча беморлар РиОваРиАТМ да режали жарроҳлик муолажасидан ўтган.

Беморлар қиёсий таҳлил учун икки гуруҳга бўлинди:

- I гуруҳ (n = 50) – жарроҳлик амалиёти Sentimag магнит навигация тизими ва Magtrace препарати ёрдамида сторож лимфа тугуни (СЛТ) биопсияси бажарилган беморлар;
- II гуруҳ (n = 50) – стандарт жарроҳлик тактикаси қўлланилган беморлар: радикал мастэктомия ёки радикал резекция аксилляр лимфадиссекция билан бирга амалга оширилган.

Гуруҳлар ёш, клиник босқич ва асосий клиник кўрсаткичлар бўйича таққосланувчан ҳисобланди.

Кириш мезонлари:

- сут беи саратонининг морфологик тасдиқланган ташҳиси;
- касалликнинг II–III клиник босқичи;
- узоқ метастазларнинг клиник-инструментал текширувлар билан инкор қилиниши;
- беморнинг тадқиқотда иштирок этишга ёзма розилиги.

Чиқариш мезонлари:

- сут беи саратонининг IV босқичи;
- ўсманинг марказий квадрантда жойлашиши;
- ҳомиладорлик;
- магнит трассер компонентларига индивидуал гиперсезувчанлик;
- анамнезда аксилляр лимфадиссекция билан боғлиқ олдинги жарроҳлик амалиёти.

Sentimag тизими Endomagnetics компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, радиоизотоплар қўлланилмасдан сторож лимфа тугунларини аниқлаш имконини беради. Тизим магнит майдони генератори ва қўлланма жарроҳлик зондидан иборат.

Magtrace препарати суперпарамагнит темир оксиди наночастицаларидан ташкил топган бўлиб, операциядан олдин ёки интраоперацион даврда ареола соҳасига 2 мл гача ҳажмда юборилди. Инъекциядан сўнг лимфатик дренажни фаоллаштириш мақсадида енгил массаж ўтказилди.

Магнит трассер лимфатик томирлар орқали миграция қилиб, сторож лимфа тугунларида тўпланди. Операция вақтида Sentimag зонд ёрдамида қўлтиқ ости соҳаси сканерланиб, максимал магнит сигнал қайд этилган нуқтада минимал тери кесмаси орқали 1–3 та сторож лимфа тугуни ажратиб олинди.


Олинган лимфа тугунлари стандарт гистопатологик текширувдан ўтказилди. Зарур ҳолларда иммуногистохимёвий усуллар қўлланилиб, метастатик шикастланишнинг мавжудлиги ёки йўқлиги аниқланди. СЛТда метастаз аниқланмаган ҳолларда қўшимча аксилляр лимфадиссекция бажарилмади.

Тадқиқот доирасида қуйидаги параметрлар таҳлил қилинди:

- сторож лимфа тугунларини детекция қилиш имконияти;
- олиб ташланган лимфа тугунлари сони;
- жарроҳлик амалиёти давомийлиги;
- стационарда ётиш муддати (койка-кун);
- жарроҳлик усулининг инвазивлик даражаси.

Натижалар

Тадқиқотда жами 100 нафар сут беи саратони билан касалланган бемор иштирок этди. Улардан 50 нафарда сторож лимфа тугуни биопсияси Sentimag + Magtrace магнит навигация тизими ёрдамида, 50 нафарда эса стандарт аксилляр лимфадиссекция билан жарроҳлик амалиёти бажарилди. Олинган натижалар қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил қилинди.



1-Расм. Беморларни жарроҳлик аралашуви турлари бўйича тақсимланиши (n = 100)

Тақдим этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Sentimag магнит навигация тизими қўлланилган гуруҳда жарроҳлик тактикаси сезиларли даражада кам инвазив бўлиб, аксилляр лимфадиссекциядан воз кечиш имкони барча беморларда таъминланди. Хусусан, Sentimag гуруҳида беморларнинг 64,0% ида (32/50) аъзосақловчи резекция бажарилган бўлиб, радикал мастэктомия улуши 36,0% ни (18/50) ташкил этди. Ушбу гуруҳда бирор ҳолатда ҳам аксилляр лимфадиссекция қўлланилмади, барча беморларда фақат СЛТ биопсияси билан чекландилди.

Бундан фарқли равишда, стандарт жарроҳлик тактикаси қўлланилган гуруҳда аксилляр лимфадиссекция 100% ҳолатда (50/50) бажарилган бўлиб, бу юқори травматик аралашувни англатади. Ушбу гуруҳда аъзосақловчи операциялар улуши 58,0% ни (29/50), радикал мастэктомия эса 42,0% ни (21/50) ташкил этди. Фақат кўрикчи лимфа тугуни биопсияси билан чекланган ҳолатлар стандарт гуруҳда қайд этилмади.

1-жадвал

Сторож лимфа тугуни детекцияси ва олиб ташланган лимфа тугунлари сони

Кўрсаткич	Sentimag гуруҳи	Стандарт гуруҳ
СЛТ аниқланиши	50/50 (100%)	Қўлланилмаган
Олиб ташланган лимфа тугунлари сони (ўртача)	1–3	≥10
Минимал инвазивлик	Юқори	Паст

Олинган натижалар Sentimag магнит навигация тизими қўлланилганда қўриқчи лимфа тугунларини аниқлашнинг юқори ишончлилигини яққол намоён этди. Хусусан, Sentimag гуруҳида қўриқчи лимфа тугуни 50 та беморнинг барчасида (100%) муваффақиятли аниқланган бўлиб, бу усулнинг юқори сезгирлиги ва такрорланувчанлигини кўрсатади. Қўриқчи лимфа тугунларининг аниқ локализацияси операция ҳажмини оптималлаштириш имконини берди.

Шу билан бирга, Sentimag гуруҳида олиб ташланган лимфа тугунлари сони ўртача 1–3 тани ташкил этган бўлиб, бу аксилляр соҳанинг минимал зарарлаши билан кечган. Аксинча, стандарт жарроҳлик тактикасида профилактик мақсадда 10 тадан ортиқ лимфа тугунлари олиб ташлангани қайд этилди, бу эса лимфостаз, серома ва функционал бузилишлар ривожланиши хавфини оширади.

2-жадвал

Интраоперацион кўрсаткичлар ва стационарда ётиш давомийлиги

Кўрсаткич	Sentimag гуруҳи	Стандарт гуруҳ
Операция давомийлиги (ўртача)	55 дақиқа	95 дақиқа
≤ 60 дақиқа давом этган операциялар	35 (70,0%)	8 (16,0%)
> 90 дақиқа	0	20 (40,0%)
стационарда ётиш (ўртача)	10 койка-кун	15 койка-кун

Интраоперацион кўрсаткичларни таҳлил қилиш Sentimag тизими қўлланилган беморларда жарроҳлик амалиётининг самарадорлиги юқори эканини кўрсатди. Жумладан, операциянинг ўртача давомийлиги 55 дақиқани ташкил этиб, стандарт гуруҳдаги 95 дақиқа билан солиштирилганда сезиларли даражада қисқа бўлди. Sentimag гуруҳида операцияларнинг 70,0% и 60 дақиқагача якунланган бўлса, стандарт гуруҳда бундай ҳолатлар атиги 16,0% ни ташкил этди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Sentimag гуруҳида 90 дақиқадан ортиқ давом этган операциялар умуман қайд этилмаган, стандарт гуруҳда эса беморларнинг 40,0% ида операция вақти 90 дақиқадан ошган. Бу фарқ аксилляр лимфадиссекция бажарилиши билан боғлиқ қўшимча вақт сарфи билан изоҳланади.

Стационарда ётиш давомийлигининг таҳлили ҳам Sentimag усулининг клиник устунлигини тасдиқлади: ушбу гуруҳда ўртача стационарда қолиш муддати 10 койка-кунни ташкил этган бўлиб, стандарт гуруҳдаги 15 койка-кунга нисбатан 5 кунга қисқарган. Бу эрта реабилитация, оғриқ синдромининг камлиги ва операциядан кейинги асоратлар частотасининг пасайиши билан узвий боғлиқ.



2-Расм. Сут беи саратонида операциядан кейинги асоратлар частотасининг қийсий тавсифи (%)

2-расмдаги натижалар шуни кўрсатадики, стандарт аксилляр лимфадиссекция қўлланилган беморларда операциядан кейинги асоратлар спектри кенг ва клиник аҳамиятга эга бўлиб, жами асоратлар 60,0% ҳолатда қайд этилди. Энг кўп учраган асоратлар оғриқ

синдроми ва парестезиялар (40,0%), лимфостаз (30,0%) ҳамда елка бўғими ҳаракатининг чекланиши (20,0%) бўлди. Бундан ташқари, лимфа чиқиши билан боғлиқ серома (12,0%), шунингдек жарроҳлик яраси инфекцияси (8,0%) ва гематома (6,0%) ҳолатлари кузатилиб, бу ҳолатлар беморларнинг реабилитация муддатини узайтирган.

Sentimag магнит навигация тизими қўлланилган гуруҳда эса операциядан кейинги асоратлар кескин камайган бўлиб, уларнинг умумий частотаси атиги **6,0%**ни ташкил этди. Ушбу гуруҳда лимфостаз, серома, жарроҳлик яраси инфекцияси ва гематома ҳолатлари умуман қайд этилмади. Фақат бир нафар беморда (2,0%) енгил даражадаги неврологик парестезия кузатилди, у консерватив терапия орқали киска муддатда бартараф этилди.

Аниқланган фарқлар аксилляр соҳадаги жарроҳлик ҳажмининг камайиши, лимфатик томирларнинг сақланиши ва тўқималар травматизациясининг минималлашуви билан боғлиқ. Шу тариқа, Sentimag усули инфекцион ва лимфа билан боғлиқ асоратларнинг профилактикасида ишончли устунликка эга, деб хулоса қилиш мумкин.

3-жадвал

Сторож лимфа тугуни гистологиясидан кейинги тактика

Қўриқчи лимфа тугуни гистология натижаси	I (Sentimag), беморлар сони (n)	%	Қабул қилинган тактика
Метастазлар аниқланмади	34	68,0	Аксилляр лимфадиссекция бажарилмади
Метастазлар тасдиқланди	16	32,0	Қўрсатмалар асосида аксилляр лимфадиссекция бажарилди
Жами	50	100	-

Сторож лимфа тугуни биопсияси натижаларига асосланган индивидуал ёндашув Sentimag магнит навигация тизими қўлланилган беморларда жарроҳлик тактикаси ҳажмини аниқ белгилаш имконини берди. Тадқиқот натижаларига кўра, беморларнинг 68,0%ида қўриқчи лимфа тугунларида метастазлар аниқланмади ва ушбу ҳолатларда аксилляр лимфадиссекциядан тўлиқ воз кечиш мумкин бўлди. Бу эса ортиқча травматик аралашувнинг олдини олиб, операциядан кейинги лимфостаз, серома, инфекция ва функционал бузилишлар хавфини сезиларли даражада камайтирди.

Шу билан бирга, 32,0% беморда қўриқчи лимфа тугунларида метастатик шикастланиш тасдиқланиб, онкологик радикалликни таъминлаш мақсадида кўрсатмаларга мувофиқ равишда аксилляр лимфадиссекция бажарилди. Бу ҳолат Sentimag усулининг селектив характерини, яъни фақат ҳақиқатан зарур бўлган беморларда кенг ҳажмли жарроҳликни қўллаш имконини беришини кўрсатади.

4-жадвал

Клиник-иктисодий самарадорлик таҳлили

Кўрсаткич	I гуруҳ (Sentimag)	II гуруҳ (Стандарт)	Фарқ	Иктисод (%)
Стационарда қолишнинг ўртача муддати, кун	10,0	15,0	-5,0	50,0
1 беморга тўғри келадиган стационар харажатлари, сўм	1 125 000	2 250 000	-1 125 000	50,0
10 нафар бемор учун умумий харажатлар, сўм	11 250 000	22 500 000	-11 250 000	50,0
Операциядан кейинги асоратлар частотаси, %	10,0	60,0	-50,0 ф.п.	-

Клиник-иктисодий кўрсаткичларни қиёсий таҳлил қилиш Sentimag магнит навигация тизими қўлланилган беморларда жарроҳлик даволашнинг нафақат клиник, балки иктисодий жиҳатдан ҳам юқори самарадорлигини тасдиқлади. Хусусан, Sentimag гуруҳида беморларнинг

стационарда қолишининг ўртача муддати 10 кунни ташкил этиб, стандарт жарроҳлик тактикаси қўлланилган гуруҳдаги 15 кунга нисбатан 5 кунга қисқарган. Ушбу фарқ стационар юкламасининг камайиши ва соғлиқни сақлаш тизими ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини яратди.

Стационар харажатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 1 бемор ҳисобида 1 125 000 сўм маблағ иқтисод қилинган, бу стандарт гуруҳга нисбатан 50% тежамкорликни ташкил этди. 10 нафар бемор учун умумий ҳисобда иқтисод қилинган маблағ 11 250 000 сўмга тенг бўлиб, Sentimag тизимининг соғлиқни сақлаш муассасалари учун иқтисодий жиҳатдан мақбул технология эканини кўрсатади.

Мухим жиҳат шундаки, иқтисодий самарадорлик фақат стационарда қолиш муддатининг қисқариши билан чекланиб қолмади. Sentimag гуруҳида операциядан кейинги асоратлар частотаси 10,0% ни ташкил этган бўлса, стандарт гуруҳда ушбу кўрсаткич 60,0% га етди. Асоратлар частотасининг 50 фоиз пунктга пасайиши қўшимча даволаш, реабилитация ва дори воситаларига бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтирди.

Муҳокама

Сут беи саратонида минтакавий лимфа тугунларининг ҳолатини аниқ баҳолаш жарроҳлик тактикаси ҳажмини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Охириги ўн йилликларда сторож лимфа тугуни биопсияси аксилляр лимфадиссекцияга муқобил, кам инвазив усул сифатида халқаро клиник амалиётга кенг жорий этилди [4, 6].

Ушбу тадқиқот натижалари Sentimag магнит навигация тизими қўлланилган беморларда кўриқчи лимфа тугунларини аниқлашнинг юқори ишончилигини тасдиқлади. Бизда СЛТ детекцияси 100% ҳолатда амалга оширилди, бу кўрсаткич халқаро тадқиқотларда келтирилган маълумотлар билан мос келади. Хусусан, Alvarado ва ҳаммуаллифлар (2019) ҳамда Thill ва ҳаммуаллифлар (2014) ўз ишларида магнит трассерлар қўлланилганда СЛТ детекцияси 97–100% ни ташкил этишини кўрсатган [1, 9].

Sentimag усулининг муҳим клиник устунликларида бири - аксилляр соҳада жарроҳлик ҳажмини сезиларли даражада камайтириш имкониятидир. Бизнинг тадқиқотимизда Sentimag гуруҳида олиб ташланган лимфа тугунлари сони ўртача 1–3 тани ташкил этган бўлса, стандарт жарроҳлик тактикасида бу кўрсаткич 10 тадан ортиқ бўлган. Бу ҳолат лимфостаз, серома ва функционал бузилишлар ривожланиши хавфини ошириши маълум [5]. Шу нуқтаи назардан, олинган натижалар Sentimag усулининг клиник жиҳатдан асосланган ва физиологик жиҳатдан мақбул эканини тасдиқлайди.

Интраоперацион кўрсаткичлар таҳлили ҳам Sentimag тизимининг самарадорлигини яққол кўрсатди. Операциянинг ўртача давомийлиги 55 дақиқа, стандарт гуруҳда эса 95 дақиқани ташкил этди. Ушбу фарқ аксилляр лимфадиссекция бажарилиши билан боғлиқ қўшимча манипуляциялар ва тўқима травматизацияси билан изоҳланади. Бундай натижалар Thill et al. (2015) ишларида келтирилган маълумотлар билан тўлиқ мувофиқдир [9].

Стационарда ётиш давомийлиги ва операциядан кейинги асоратлар таҳлили Sentimag усулининг клиник устунлигини янада тасдиқлади. Бизнинг тадқиқотимизда Sentimag гуруҳида стационарда қолиш муддати 10 койка-кун, стандарт гуруҳда эса 15 койка-кунни ташкил этди. Асоратлар частотаси мос равишда 10,0% ва 60,0% бўлиб, фарқ жуда катта бўлди. Халқаро адабиётларда аксилляр лимфадиссекциядан кейин лимфостаз ва неврологик асоратлар 20–40% гача етиши мумкинлиги кўрсатилган (DiSipio et al., 2013), бу эса бизнинг стандарт гуруҳда олинган натижалар билан уйғун [2].

Кўриқчи лимфа тугуни гистологиясига асосланган персоналлаштирилган ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг маълумотларга кўра, беморларнинг 68,0% ида кўриқчи лимфа тугунларида метастазлар аниқланмаган ва аксилляр лимфадиссекциядан тўлиқ воз кечиш мумкин бўлган. Бу натижалар ACOSOG Z0011 тадқиқоти ҳулосаларига мос келиб, унда ҳам маълум гуруҳ беморларда аксилляр диссекциядан воз кечиш онкологик натижаларни ёмонлаштирмаслиги исботланган [4].

Иқтисодий таҳлил натижалари ҳам клиник маълумотларни қўллаб-қувватлайди. Sentimag гуруҳида 1 бемор ҳисобида 1 125 000 сўм, 10 нафар бемор учун эса 11 250 000 сўм

иктисод қилинган. Халқаро таҳлилларда ҳам магнит навигация усуллари радиоизотопларга нисбатан логистика, лицензиялаш ва хавфсизлик нуқтаи назаридан иқтисодий жиҳатдан мақбул экани таъкидланган [3, 7].

Хулоса

Олинган натижалар Sentimag магнит навигация тизими қўлланилиши сут беги саратонида қўриқчи лимфа тугунларини аниқлашда юқори ишончлиликлка эга эканини қўрсатди (детекция - 100%). Усул аксилляр лимфадиссекциядан асоссиз равишда воз кечиш имконини бериб, беморларнинг 68,0%ида кенг ҳажмли жарроҳлик аралашувини олдини олди.

Sentimag қўлланилган беморларда жарроҳлик амалиёти давомийлиги, стационарда ётиш муддати ва операциядан кейинги асоратлар частотаси сезиларли даражада камайган бўлиб, бу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва эрта реабилитацияни таъминлашга хизмат қилди. Шу билан бирга, стационар харажатларнинг 50%гача қисқариши усулнинг клиник-иқтисодий самарадорлигини тасдиқлади.

Шу тариқа, Sentimag + Magtrace тизими сут беги саратонида замонавий, кам инвазив, хавфсиз ва ресурс тежовчи персоналлаштирилган жарроҳлик ёндашуви сифатида клиник амалиётга жорий этиш учун мақбул ҳисобланади.

REFERENCES| ЧОККИ | IQTIBOSLAR:

1. Alvarado M.D., Mittendorf E.A., Teshome M., et al. Sentimag and Magtrace for localization of sentinel lymph nodes in breast cancer: a noninferiority trial. *Annals of Surgical Oncology*. 2019; 26(11): 3510–3516.
2. DiSipio T., Rye S., Newman B., Hayes S. Incidence of unilateral arm lymphoedema after breast cancer: a systematic review and meta-analysis. *The Lancet Oncology*. 2013;14(6):500–515.
3. Endomag Ltd. Magtrace® and Sentimag®: clinical evidence summary. Cambridge; 2022.
4. Giuliano A.E., Ballman K., McCall L., et al. Effect of axillary dissection vs no axillary dissection on 10-year overall survival among women with invasive breast cancer and sentinel node metastasis. *Annals of Surgery*. 2017;266(3):413–420.
5. McLaughlin S.A., Wright M.J., Morris K.T., et al. Prevalence of lymphedema in women with breast cancer 5 years after sentinel lymph node biopsy or axillary dissection. *Journal of Clinical Oncology*. 2013; 31(30): 3758–3763.
6. National Comprehensive Cancer Network (NCCN). NCCN Clinical Practice Guidelines in Oncology: Breast Cancer. Version 4.2023. Fort Washington, PA: NCCN; 2023.
7. National Institute for Health and Care Excellence (NICE). Magtrace and Sentimag system for locating sentinel lymph nodes for breast cancer. Medical Technologies Guidance (MTG72). London: NICE; 2023.
8. Sung H., Ferlay J., Siegel R.L., et al. Global cancer statistics 2020: GLOBOCAN estimates of incidence and mortality worldwide for 36 cancers in 185 countries. *CA: A Cancer Journal for Clinicians*. 2021;71(3):209–249.
9. Thill M., Kurylcio A., Welter R., et al. The Central-European SentiMag study: sentinel lymph node biopsy with superparamagnetic iron oxide (SPIO) vs radioisotope. *European Journal of Surgical Oncology*. 2014; 40(8): 970–977.
10. Yorov, L. Sh., Juraev, M. D., Rakhimov, N. M., Shakhanova, Sh. Sh. (2022). Assessment of the immune status in patients with breast cancer with determination of the effectiveness of neoadjuvant polychemotherapy. *Journal of Biomedicine and Practice*, 7 (5).
11. Shakhanova Shakhnoza, Rakhimov Nodir, Zaripova Parvina. Breast tumors in adolescent girls // *Journal of Biomedicine and Practice*. 2022, vol. 7, issue 3, pp.266-273
12. Lutfillo Yorov, Mirjalol Djuraev, Nodir Raximov, Shakhnoza Shakhanova. Evaluation of the state of the immune status in patients with breast cancer with the determination of the effectiveness of neoadjuvant polychemotherapy. *Journal of Biomedicine and Practice*. 2022, vol. 7, issue 5, pp.211-216

13. Veronesi U., Paganelli G., Viale G., et al. A randomized comparison of sentinel-node biopsy with routine axillary dissection in breast cancer. *New England Journal of Medicine*. 2003; 349(6): 546–553.

БИМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ БИМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000